

САФАР БАРНОЕВ

ТИНЧЛИКНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

Шеърлар, баллада ва эртаклар

Тошкент
Ўзбекистон ЛҚСМ Марказий Қомитети
«Еш гвардия» нашриёти
1986



Б $\frac{4803010000-161}{356(04)-86}$ 140-86

© Издательство «Еш гвардия», 1986

ТИНЧЛИКНИ УЛУҒЛАЙМИЗ



БИЗ БОЛАЛАР...

Биз болалар ер юзида бирлашайлик,
Қўлни-қўлга берайлигу сирлашайлик.
Бир кулайлик,
Бир кулайлик,
Тутиб кетсин шўх кулгимиз самоларни,
Юзларини бужмайтирсин ёмонларнинг.
Бирлашайлик,
Бирлашайлик.
Кулги учун сира тилмоч керак бўлмас,
Кулсак, бизга қуёш асло соя солмас.
Кулги билан кўкаради еру осмон,
Кулги билан кўкаради ахир жаҳон.
Кулги бўлсин, кулгимизни кўролмаган,
Кулги бўлсин, эртамиз деб юролмаган...
Бир кулайлик,
Биз кулайлик.
Яйраб, яйраб, янграб кетсин қаҳқаҳамиз.
Ҳамма тилда,
Ҳамма дилда
Сайраб кетсин қаҳқаҳамиз!

Биз болалар ер юзида бирлашайлик,
Қўлни-қўлга берайлигу сирлашайлик.
Ҳар биримиз бир донадан,
Майли, чиқиб ҳар хонадан
Қаптарларни осмон бўйлаб учирайлик,
Қитъалардан-қитъаларга кўчирайлик.
Лол қолдириб қўяйлик бир одамларни,
Ҳатто тушда кўрмасинлар атомларни...
Майли, ўйин бўлсин шундай,
Майли, ўйин бўлсин шундай.
Келажақда болаларнинг
Ҳатто тўйи бўлсин шундай.
Қаптаримиз баланд учсин, баланд учсин,


Уруш деган,
Бузиш деган
Ёвузларнинг ранги ўчсин, ранги ўчсин!

Биз болалар ер юзида бирлашайлик,
Қўлни-қўлга берайлигу сирлашайлик.
Дўст бўлайлик,
Қўришайлик,
Тинчлик учун курашайлик.
Тўғри, бизга ўйин керак, ўйин керак,
Шўхликларга тўлиб-тошган митти юрак.
Эрта бор,
Эрта, биз бор.
Ўйлаб кўрсин буни барча амакилар,
Биз бирлашсак,
Биз бирлашсак,
Қим ёмонлик бизга тилар.

Биз болалар ер юзида бирлашайлик,
Қўлни-қўлга берайлиги сирлашайлик.
Биз биламиз:
Ушанда-чи, биз бўламиз.
Хожат қолмас ер юзида аскарларга,
Биз қушларга ин қурамыз касқаларда...
Урушқоқни қолдирмаймиз
Ҳатто пана-пастқамларда.
Чунки бизнинг орзумиз бор,
Эрта биз бор.
Ер юзини боғу роғда кўрмоқчимиз,
Озод замон,
Обод замон кўрмоқчимиз.
Биз дунёдан йўқ қиламиз атомларни,
Бирлашишга чақирамиз одамларни.
Дўстлик битта,
Тинчлик битта.

Она-Ер ҳам ахир битта.
Биз биламиз:
Шундай экан,
Ниятимиз кундай экан,
Дўст бўламиз.
Қани қўлни-қўлга қўйинг,
Дўстлигимиз
Билиб қўйинг...

1977



АМАКИМ

Амакимнинг қўллари бор,
Кўзи бор.
Амакимнинг йўллари бор,
Сўзи бор.
Амакимнинг йўқдир икки
Оёғи.
Оёқлари — унинг қўлтиқ —
Таёғи.
Мана ҳозир йўлга чиқар
Тў-қ, тў-қ.
Қўлтиқтаёқ ғижирлайди,
Йў-қ, йў-қ...
Юриб туриб, ўйга чўмар
Амаким.
Суяш учун шошиб қолар
Аллаким.
Нафасини яна ростлаб
Одимлар.
Ёнверидан тикилади
Одамлар.
Қўлтиқтаёқ инграб борар
Тў-қ, тўқ .
Бу дегани урушга йўл —
Йўқ, йў-қ...

1981



ТИНЧЛИКНИ УЛУҒЛАЙМИЗ

Ер юзида
 миллион, миллион
 боламиз,
Бир-бирига
 биз меҳрибон
 бўламиз.
Ажратмаймиз,
 сен қораю,
 биз оқ деб,
Юртларимиз,
 уй-жойимиз, йироқ деб.
Ер юзи кенг,
 кенг бўлинг деб
 айтамыз.
Катта-кичик
 тенг бўлинг деб
 айтамыз.
Йўл қўймаймиз
 асло ёвуз урушга,
Шаҳарларни
 гул-боғларни бузишга.

Бир нақл бор,
темир кўрсанг
тепиб ўт,
Йўлларингда
гул уруғин экиб ўт.
Темирга жон берган
авлод наслимиз,
Темир билан
кун кўрмоқда
асримиз.
Биз бўлайлик
майли, доим темиртан,
Қурол-яроғ ясамайлик
темирдан.
Майли, мулкдор,
хоҳ министр, президент,
Майли, унга
қарамасин
қайси кент.
Ёвуз ният
бўлса деймиз
шошмагин,
Биз бунда бор,
сен ҳаддингдан
ошмагин
Олсанг агар,
дунёга
жар соламиз,
Ер юзида
миллион-миллион
боламиз.
Она ернинг
ажиб-ажиб
данги бор,

Эртаси бор,
индини бор, тонги бор.
Усаяпмиз,
ўша тонгни
кўрмоққа,
Бу дунёни
яна қайта
қурмоққа.
Ер юзида
миллион-миллион
боламиз,
Бир-бирига
биз меҳрибон
бўламиз.
Атом эмас,
адолат деб юрамиз,
Нурли олам
бўлиб қолсин
Қуррамиз.
Биз тинчликни куйлаймиз,
улуғлаймиз,
Ёвузликдан
ер юзин
қўриқлаймиз.
Овозимиз,
бу — тинчликка имзомиз.
Тинчлик деган
соф ниятга
аъзомиз!

1984

РОЗА-АЛ-НАДИЯ

Иеронл босқинчилари Ливан тупроғида ўз ваҳшийликларини давом эттирмоқдалар. Евузлар ҳатто ёш болаларни ҳам аямаяптилар. Улар чиройли қўғирчоқларга мина ўрнатиб, аҳоли яшайдиган жойларга ташлаб кетмоқда.

Роза ал-Надия деган ўн икки яшар қизча ўзлари яшаётган чодир атрофидан қўғирчоқ топиб олади. Қувонганидан чодирга олиб кириб, укаларига кўз-кўз қилаётганида, қўғирчоққа ўрнатилган мина портлаб укалари ҳалок бўлади. Роза ал-Надиянинг ҳаёти зўрға сақлаб қолинади.

(Газета хабаридан)

Роза ал-Надия,
Роза ал-Надия,
Сенга, укаларингга,
Сенга, укаларингга
Шодлик керак эди-я!
Қувондингми
Ўингилжоң,
Қўғирчоқни кўрганда!
Овунчоғинг сеҳрлаб,
Сени чорлаб турганда;
Кўзларингда ўт чақнаб,
Даст кўтардинг қўлингга.
«Меникисан...»
Бошқа ўй
Келмаганди кўнглингга,
Чопдинг чодиринг сари,
«Ука, — дединг, — қўғирчоқ!»
Укаларинг шодлиги
Билсанг эди бир қучоқ.
Бир қучоқ қувонч сўнди,
Ажал ташлади соя.



Фарёдингга, оҳингга —
Топилмади ниҳоя.
Букун рангпар юрибсан,
Қанча ҳасрат дилингда.
Ука...
Улар чеҳраси
Кўзларингда, тилингда.
Қўғирчоқни эслатдим,
(Синглим суйгани учун)
Сен индамай қолдинг жим,
Тилинг куйгани учун.
Мен овунчоқ дедим-ей,
Қўғирчоқ эмасди у.
Мен овунчоқ дедим-ей,
Овунчоқ эмасди у.
Роза ал-Надия!
Роза ал-Надия!
Сенга, укаларингга,
Сенга, укаларингга
Кулгу керак эди-я!
Туйғу керак эди-я!
Мана сенга кулгу, деб
Ўқ ёғдирар ёвузлар,
Мана сенга туйғу, деб
Ўқ ёғдирар ёвузлар.
Букун қўрқиб яшайсан
Сен оддий қўғирчоқдан,
Отанг нафратлангандек
Ёвузликдан, олчоқдан.
Ука дейсан,
Сас келмас...
Тўплар товуши келар.
Ойдин тунлар нур эмас,
Ғалвир-ғалвир ўқ элар.
Дилингда қўрқув яшар,
Тилингда қўрқув яшар.

Қўрқма!
Сенинг бошингни
Силашга тайёр башар.
Ёлғиз эмассан, синглим!
Ожиз эмассан, синглим!
Сен учун,
Уканг учун
Қалқондир етти иқлим.
Орзуларинг сўнмасин,
Чечак отсин тилагинг.
Ёлғиз эмасмиз дея,
Уриб турсин юрагинг.
Хазон бўлмайсан, синглим!
Гирён бўлмайсан, синглим!
Юрагим — сенга Ватан,
Сарсон бўлмайсан, синглим!
Эҳ, ҳали қўғирчоғинг,
Ўйинчоғинг кўп бўлар.
Атрофингда ўртоғинг —
Қурдошларинг тўп бўлар.
Кулгилардан биз сенга,
Туйғулардан биз сенга
Қуёшдай бир табассум
Этажакмиз ҳадя!
Ўшанда ёвузлик ҳам
Ёвуз,
Ялмоғизлик ҳам
Тугар,
Тамом,
Қатъиян.
Роза ал-Надия!
Роза ал-Надия!

1982

БАРМОҚЛАР

Исроиллик газандалар Ливандан бошпана топган фаластин араб халқи бошига ҳамон азоб-уқубат солмоқдалар. Босқинчилар фаластинликлар ҳеч қачон ўзини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олмасин деб, ҳатто уларнинг болаларининг бармогини чопиб ташламоқдалар...

(Газета хабаридан)

Чопманг менинг бармоқларим,
Чопманг менинг бармоқларим.
Орзуларим жуда баланд,
Орзуларим байроқ қилиб —
Бордур ҳали бормоқларим!
Қўли тўмтоқ бўлсин, дейсиз,
Иўли чўлтоқ бўлсин, дейсиз.
Биров бошини силамасин,
Яшаш жойи — дашту сахро,
Доим овлоқ бўлсин, дейсиз.
Қўлимиздан оққанда қон,
Наҳот сира ачимас жон.
Бизники бу ёру осмон,
Бошимизга қайғу сочиб
Урмалайсиз мисли ялон.
Бу гул боғлар бизникидир,
Бу чўнг тоғлар бизникидир,
Боболарим яшаб ўтган,
Момоларим яшаб ўтган
Гул қишлоқлар бизникидир.
Бу бармоқлар мушт бўлади,
Бир кун диллар хуш бўлади.

Ураб олар дўстларимиз
Чақнаб кетар кўзларимиз,
Бу кунлар бир туш бўлади.
Чопманг менинг бармоқларим,
Чопманг менинг бармоқларим,
Юрагимда Ватанм бор,
Ўз юртимга гўл қўтариб —
Бордир ҳали бормоқларим!

1982

УКАМ ТУҒИЛГАН КУН

Укам туғилган куни,
Қўпайди совға-салом.
Бошга кўтариб уни,
Дўпи кийгизди бобом.
Уй тўрида аммамиз,
Елиб чопар холалар.
Бундан хурсанд ҳаммамиз,
Бундан хурсанд болалар.
Уйинчоғи кўп эди,
Қўпайиб қолди яна.
Овунчоғи кўп эди,
Қўпайиб қолди яна.
Укам бўлса келганнинг —
Қўлларига қарайди.
Қўни-қўшни, билганнинг
Йўлларига қарайди.
Мен нима қилсам экан,
Ака деган номим бор.
Эҳ... укам билса экан,
Бунинг бариси бекор.
Дедим унга укажон,
Еру осмон сеники.
Узинг бўла қол боғбон,
Ўзбекистон сеники.
Келтир кўпнинг ҳавасин,
Олганларинг уюб қўй.
Сахий аканг совғасин
Жон-дилингдан суюб қўй.
Қўлга қараб ўсмагин,
Узоқ яша, кўп яша,
Аканг кўнглин бузмагин,
Бўл, ўзингга яраша.

1984

УН УЧ ЕШЛИЛАР

Яна бир кун сабр қилсак,
Саккизинчи Март эди,
Қадримизни агар билсак,
Уйин, кулгу шарт эди.
Қиқир-қиқир кулар қизлар,
Башанг келган болалар,
Қарздормиз дея бизлар,
Келтиришган лолалар.
Кулгу авжи баланд эди,
Ҳар галгидан бу сафар.
Сўзлар-сўзга пайванд эди,
Эҳ... шошқалоқ Музаффар,
Раънохоннинг сочин тортиб
Секин ўтди ёнидан.
Қизлар бирдан ҳушёр тортди,
Бошланди-ку, сану ман.
Ҳазилми бу, эркалатиш,
Сўз тополмас Музаффар.
Хуллас бундай эркаланиш
Хуш келмади бу сафар.
Раъно хомуш. Қизлар сўзлар,
Байрамимиз буздинг деб.
Оловланди чақмоқ кўзлар,
Меҳр ипин уздинг деб.
Мана сизга араз ва кек,
Қизлар олар аламин:
«Бизлар қандай ўтказгандик
Болаларнинг байрамин...»
Аҳил эдик, апоқ-чапоқ,
Юрар эдик кулишиб.
Ҳатто битта майиз топсак
Еяр эдик бўлишиб.
Тўпланганлар елка қисар,
Шодлик кетди қаёққа?

Музаффар жим, бўлиб мустар
Маъюс турар буёқда.
Тўғри, бизда жиндак гурур,
Жиндак ҳаво йўқ эмас.
Ўзимизга хос бир сурур
Ҳамда баҳо йўқ эмас.
Музаффар ким?
Кўнгли очиқ,
Тўлиб-тошган бир бола.
Қуёшдайин меҳри сочиқ,
Билмас ёлғон, сир, бола.
Не иш қилди тушунолмай
Жавдирайди, бош гаранг.
Сўз кўпайиб кетди ҳай-ҳай,
Сўзлар бунча ранг-баранг...
Раънохон ҳам анча қайсар,
«Йўқ» деди бас, «бор» демас.
Сағал кўнгли қолса агар
Ўзрингга зор эмас.
Синф жимжит,
Атроф жимжит,
Ўйин, кулгу шарт эди.
Бўлсин деган бағрингиз бут,
Саккизинчи март эди.
Бир томонда мана қизлар
Туришар шивирлашиб.
Қам эмасмиз дея бизлар
Болалар ҳам бирлашиб...
Қизлар деса:— Ўзр десин,
Ахир айбдор Музаффар.
Болалар дер:— Бош эгмасин,
Киммиз бош эгса агар.

Икки томон хўмрайишиб,
Қилиб қўяр ёв қараш.

Сир тутишар, дил ёришиб
Демоқда яраш-яраш.
Ташқарида кулар баҳор,
Товланади лолалар.
Сездирмайин қизлар боқар.
Ер остидан болалар...

1979



БОБОМ АЙТГАН ҚУШИҚ

Бу дунёнинг боғлари кўп, болажон,
Бу дунёнинг тоғлари кўп, болажон.
Боғларга ўч одамлар кўп, болажон,
Тоғларга ўч одамлар кўп, болажон.
Шундан бири тоғдан келар, болажон,
Шундан бири боғдан келар, болажон:
Кўзларингни яхшиликка ўргатгин,
Қўлларингни яхшиликка ўргатгин.
Ер айланса, айланмасин бошинг, ҳей,
Атрофингда бўлсин дўст-қурдошинг, ҳей,
Баланд учса ҳар қуш бургут бўлмайди,
Мард ўлса ҳам унинг номи ўлмайди,
Ҳалол ишлаб нонин топган бобонгман,
Сўраб-сўраб билиб олгин момонгдан.
Жиблажибон булбул бўлмас ҳеч қачон,
Хачир деган дулдул бўлмас ҳеч қачон.
Бобонг шундай яшамоқда умрини,
Саъвага ҳеч берган эмас қумрини.
Юрганнингда ер титрасин, болажон,
Ёмонларнинг ўчир сасин, болажон.
Изларингдан гуллар унар бир куни,
Сўзларингдан олам кулар бир куни.
Баланд тутиб юравергин қаддингни,
Фақат билгин, ўз қадрингни, ҳаддингни.
Қимлигингни бобонг кўрсин, болажон!
Бу заминга посбон бўлгин, болажон!
Тушларингга темир эмас, гул кирсин,
Боғбон бўлсанг, олам сенга буюрсин!

1984

ҚҰРҚОҚЛИК

Бобом дерлар:— Бу дунёда
Жуда ёмон қўрқоқлик.
Қўрқоқларда қачон бўлган
Дўсту ёру ўртоқлик.
Мана қуён қўрқоқлигин
Бутун ўрмон билади.
Хатто митти чумоли ҳам
Аҳволидан кулади.
У шундайин бечорадир,
У шундайин масхара.
Қайга борса дакки ейди,
У шундайин тасқара.
Қўрқоқ бўлса жуда ёмон
Аммо одам боласи.
Бошим қотар нега туққан
Шундайларни онаси.
Билсанг, қуён қўрқоқлигин
Ўз бўйнига олади.
Қўрқоқни ким қўрқоқ деса
Минг балога қолади.
Қўрқоқлик бу — чақимчилик,
Тилёглама, айёрлик.
Мингта найранг, мингта қилиқ,
Хамма ишга тайёрлик.
Болажоним, тўғрисўз бўл,
Сира ёлғон сўзлама.
Ёлғон сўз ҳам қўрқоқликдир,
Осон йўлни излама...
Алдасам-чи, бобом дарров
Биладилар кўзимдан.
Қуни бўйи мен юраман
Хафа бўлиб ўзимдан.
Шунда дейман... — Йўқ, бобожо
Сира қўрқоқ бўлмайман.

Қўрқоқларга мен ҳеч қачон
Дўсту ўртоқ бўлмайман.
Қўрқоқларнинг қуёндайин
Жойи бўлсин ўрмонда.
Бир умрга чўчиб юрсин,
Майли, юрсин армонда.
Бобом дерлар:
— Балли, болам,
Билгин йўлу йўригин.
Ботир одам қуритади
Қўрқоқликнинг уруғин.

1979

ПОЙГА

Пойга бу,
Пойга бу.
Қўрқмасанг,
Чўчимасанг,
Етказади Ойга бу.
Жийрон отнинг ўрнига
Тақаланган баҳолар.
Қани, кимлар баҳолар.
Бир,
Икки,
Уч,
Тўрт,
Беш.
Бир-бирига яқин, эш.
Чавандози — беш бола,
Атрофда амма, хола.
Эгарланган баҳолар,
Қани, кимлар баҳолар.

Мана битта лапашанг
Минди «бир» деган отга.
Бир дегани бир баҳо;
Сира келмади ёдга.
Қамчи босди, жилмади,
Бизлар эса кулмадик.
Кулги бўлди чавандоз,
Йиғлашига қолди оз.
Қўлдан тушиб қамчиси,
Сафдан чиқди у писиб.

«Икки» деган шўхроқ от,
Қиламан деб «бир»ни мот,
Имлар эди эгасин,
Ерга ишқаб тақасин.

Қайда қолди чавандоз,
Давра ахир жуда соз.
Келди мана эгаси,
Ичга ютиб нафасин.
Минди севган «оти»га,
Қолоқлиги ёдига
Келмади. Қамчи босди.
«Яша», деганлар озди.
Қизарди. Терга ботди,
«От»и чўзилиб ётди.
Пойга бу,
Пойга бу,
Мард бўлсанг,
Жўмард бўлсанг,
Етказади Ойга бу.

Қолди икки чавандоз,
Икки тутоққан бола.
«Уч» баҳо деган отга
Минди хуш ёққан бола
Қамчи босмай елди у,
Чавандозга элди, у.
Бормади кўп узоққа,
Тушган каби тузоққа
Терлаб, ҳансираб қолди,
Бирдан сансираб қолди.
Нега миндинг менга деб,
Кулги бўлдим сенга деб.
Йўлинг узоқ экан, деб
Эҳ, ақлини еган, деб.
Деди:— Дўстман сен билан,
Катта кетма мен билан.
Шартта тўхтаб, жилмади,
Бизлар эса кулмадик.
Сафдан чиқди уч бола,
Ғайратлари пуч бола.

«Тўрт» баҳо деган «от»га,
«Беш»ни келтириб ёдга.
Минди учқур чавандоз,
Бизга тенгқур чавандоз.
Оти пилдираб қолди,
Булут сари йўл олди.
Бошланди қарсақ, яша,
Бундай қизиқ томоша,
Бўлмаганди ҳеч қачон,
Шодлик эди бир жаҳон.
Чавандоз ақлин пешлаб,
Отин елдириб қушдай,
Борар эди кўк сари,
Ботир лочин сингари.

Пойга бу,
Пойга бу,
Мард бўлсанг,
Жўмард бўлсанг,
Етказди Ойга бу.

Навбат учқур қанотга, —
«Беш» баҳо деган «от»га.
Ярқирар босган изи,
Олтиндан узангиси,
Ақлинг олар чиройи,
Отмисан от киройи.
Қаранг турар пишқириб,
Кўз тегмасин ишқилиб.
Мана минди чавандоз,
Янграб кетди қўшиқ, соз.
«От» мисоли бургутдай
Ўзиб кетди булутдан.
Изида қолди гуллар,
Чақчақлашиб булбуллар.
«Тўрт»дан ҳам ўзди-кетди,

Офтоб бағрига етди.
Гўёки қилиб араз,
Боқди Венераю Марс.

Қим минса учқур отга,
Етказди муродга.

Пойга бу,
Пойга бу,
Мард бўлсанг,
Жўмард бўлсанг,
Етказди Ойга бу.
Бир,
Икки,
Уч,
Тўрт,
Беш,
Бир-бирига яқин, эш,
Яқинлиги саноқда,
Аммо гап-чи, буёқда.
Билсангиз бу баҳолар
Қимлигимиз баҳолар.
«Тўрт», «Беш» баҳо учқур «от»,
Бир-бирига тенгқур от.
Қолгани қолверсин,
Чополмай толаверсин!
Уқиш,
Уқиш,
Пойга бу.
Ақлли,
Доно бўлсанг
Етказди Ойга бу!

1977

ОНА

(Баллада)

Онам ўйга толганда,
Утирарди ер чизиб,
Ўзи ёлғиз қолганда,
Кўзларидан ёш сизиб.
Бизлар — ака-укалар
Қилиб имо-ишора,
Кузатардик ҳар сафар.
Онам бўлса кунора —
Дерди: — Болам, жон болам,
Болагинам, омон бўл!
Бирортадан бўлма кам,
Йўлинг бўлсин қутлуғ йўл.

Онам ранги заъфарон,
Пиширади гўжа ош.
Бизлар эса тўртовлон,
Онам айтган тўрт «бебош»
Тикилишиб қозонга
Қувнар эдик қиқирлаб,
Гўжа ош-чи, бу онда,
Қайнар эди биқирлаб.
Онам маъюс тикилиб,
Майли, кулинг, дер эди.
Усманг мендек сиқилиб,
Ўйнаб-кулинг, дер эди.
Бизлар қирмоч талашиб,
Қилар эдик ур-йиқит.
Гоҳ мушт ердик, адашиб,
(Бизлар — кичкина йиғит).
Кичкинтойдик чиндан ҳам,
Энг каттамыз тўққизда.
Уч ёшга қўйди қадам,



Кичкина укам кузда.
Қўни-қўшни айтгандек,
Бир этак етим эдик,
Оқ-қорани ажратган,
Ақли тетик эдик.
Онам ёлғиз қолганда,
Аста бошимни силаб,
«Бутун умидим. сендан.
Сендан», — дерди бахт тилаб.
Укаларинг қўлини
Ушлаб ўсгин болажон.
Емонларнинг йўлини
Муштлаб ўсгин, болажон.
Меҳрли бўл, сахий бўл,
Қалби дарё бўл, болам.
Ризқи-рўзинг бўлар мўл,
Тошқин дарё бўл, болам.
Меҳрдан кетсанг йироқ,
Қаҳринг келади устун.
Қурийсан мисли булоқ,
Кундузларинг бўлар тун.

Бугун ўйчан эслайман,
Онам ҳикматларини.
Бизга бу кун бахш этган,
Нозу неъматларини...

Қўшнимиз — заргар қизи,
Гажаги бор бой хотин.
Қип-қизил икки юзи,
Пошшоҳон дерди отин.
Онамни кўрганида
Қуларди ич-ичидан.
Саллона юрганида
Кавушининг ғарчидан,—
Уйғонарди чақалоқ,

Юрарди кўзи сузук.
Узукка тўла бармоқ,
Билакда билагузук.
Бир кун деди Пошшоҳон,
Онам йўлини тўсиб,
«Қарибсан, дугонажон,
Кетибсан озиб-тўзиб,
Топшир, ахир буларни,
Болаларнинг уйига.
Қутма, бекор кунларни,
Қараб етим бўйига...»
Онам тополмади сўз,
Аччиқ ёши тўкилди.
Фақат уриштирди кўз,
Тик қомати букилди.
Пошшоҳон кўнгил ёзди,
Қилмайин назар-писанд.
У укамга тутқазди
Муштдек келар каллақанд.
Қаллақанд эди орзу,
Тўртталамиз тамшандик.
Онам кўзида қайғу
Қотиб қолганди шамдек.
Қаллақандни авайлаб
Тутарди қўлда укам.
Кутар эдик биз ойлаб,
Кутар эди қанддон ҳам...
Ташла, дедим укамга,
Ташла, дедим, укажон.
Укам эса бу дамда
Ташламасди ҳеч қачон.
Юлиб олдим қўлидан,
Қўли чўзилиб қолди.
Бечора ўз кўнглида
Деди, эҳ, акам олди.
У каллақанд эмасди,

У тош эди, тош эди.
Укаларим билмасди,
Иўлдошим — бардош эди.
Қандни олиб отдим ман,
Пошшоҳоннинг изидан.
Еш оқиб кетди бирдан
Укаларим кўзидан...
Аламмиди, билмадим,
Қаҳриммиди, билмадим,
То кечгача юрдим мен,
Мен ўзимга келмадим...

Онам бизга бир куни
Сизлар давлатим, деди.
Бор умримнинг мазмуни,
Тахтим-савлатим, деди.
Бир кун тугар жанг, деди,
Бош эгик ўсманг, деди.
Бошимиз эгилмасди,
Эгиб қўйди қорахат.
Бизларга бордек қасди,
Боримиз қилди карахт.
Қўлга олиб шум хатни,
Қилардик сарак-сарак.
Қарғаб уруш — бадбахтни
Юрар эдик жонсарак.
Қўни-қўшни дер эди:
Бирдан тўкилиб қолди.
Ўз ғамини ер энди,
Қадди букилиб қолди.
Уйчан эди оналар,
Уф тортарди қадамда.
Рангпар эди болалар,
Хонадонлар аламда...

Бобом келди бир куни,
Менинг меҳрибон бобом,

Деди: «Эгма ўзингни,
Уруш ҳам бўлар тамом».
Шу кун кўчириб келди,
Ҳаммамизни қишлоққа.
Шаҳар ташвиши битди,
Шаҳар қолди узоқда.
Бобом кўчириб келди,
Бағримда бўлинг, деди.
Болам, ҳеч қачон энди,
Бўлмасин ўлим, деди...

Онам тонгда, азонлаб,
Далага оларди йўл,
Шабнам тушган хазонлар
Усти-бошин қилиб хўл.
Биз йиғардик қизилча,
Кўтарардик тирмашиб.
Белда белбоғ-тизимча,
Ишлар эдик талашиб.
Қизилча бизлар учун,
Емиш, қанду курс эди.
Ўтарди шундай ҳар кун,
Ишимиз дуруст эди.
Қиш — танчага тиқилиб,
Ўтирардик дилдираб.
Қора совуқ букилиб,
Ўкирарди ғулдираб.
Ғулдираши ёқимсиз,
Тирқишдан мўраларди.
Йиққан қизилча эсиз,
Қоларди ўраларда.
Бу кун ўйлаб қоламиз,
Ҳикоямиз бир эрмак,
Ен атрофда боламиз,
Сўзимиз мисли эртак.
Эшитишиб кулишар

Ёқинқирамас, алҳол.
Наҳот шундайин яшар,
Наҳот бўлган шундай ҳол.
Бу кун кунлар ранг-рўйи,
Лоладайин очилган.
Яқин юлдузлар бўйи,
Қуёш нури сочилган...

Очлик ёвудан-ёвуз,
Барчасидан у ёмон.
Қуриб кетар дала — туз,
Очлик, қирон беомон.

Қиш минарди қаҳрига,
Ёвуз эди қора қиш.
Онам қишнинг заҳрида
Нон ёпарди бояқиш.
Зоғора нон, арпа нон,
Дастурхонда саноқли.
Бўлишардик ўша он,
Гўё эди қаймоқли.
Онам минг бор эгилиб,
Кўриб қолса бир ушоқ,
Бизга дерди тикилиб,
Баҳор, болам, ҳей, узоқ.
Баҳор, баҳор, биз уни
Кунда кутиб яшардик.
Келар дея қай куни
Биз кутгани шошардик.
Кўклам — қорин тўқлик деб,
Бобом мудом сўзларди.
Бор-бутимиз тамом еб,
Биз баҳорни излардик.
Лайлак қўндик, бир кун
Кекса гужум шохига.
(Қишлоқ яшарди беун,

Қўмилиб оҳ-воҳига).
Бирдан қий-чув бошланди,
«Лайлак келди, ҳой, лайлак!»
Онам кўзи ёшланди,
Кўкка боқди жон ҳалак.
Кўпдан ногирон ётган,
Кўшнимиз титраб-қақшаб,
Эшик очди зарб билан,
Деди:— Кетаман яшаб.
У лайлакка термилиб,
Қора қишни қарғади.
«Келмадинг ўзинг билиб,
Қолдирдинг оч қаргадек».
Лайлак эса тумшугин
Чўзиб-чўзиб сайрарди.
Қанотини кун тигин —
Тафти билан қайрарди.
Онам эса далада
Ер чопарди ҳаллослаб.
Жон-жонзот бу паллада
Ўзин баҳорга мослаб.
Мана ялпиз, отқулоқ
Ниш урди, сўнг райҳон ҳам,
Бизлар ошиб тувалоқ,
Қўярдик қирга қадам.
Уйғонган қурт-қумурсқа,
Малла чумчуқ чирқиллар;
«Далалар кирди тусга,
Далаларга чиқинглар!»
Кўниб тут танасига
Тўқиллар қизишти.
Кўклам баҳонасида
Омон чиқдим деб қишдан.
Онам даладан қайтар,
Қўлда бир тугун ялпиз.
Ташвишларини ҳайдар,

Иши кўп, вақти тигиз.
Қозон, ўчоқ, кўк овқат
Шунда унинг хаёли.
Болаларим бақувват
Ўссин дейди, мажоли —
Қуриганга иши йўқ.
Ёвғон ошга ундайди,
«Болаларим, бўлинг тўқ,
Бўлманг мушукдек дайди».
Чопқиллаб ялангоёқ
Юрсак, бирдан ҳай-ҳайлаб,
Нимдош калишин шу чоқ,
Кийдирарди авайлаб.
Сўнг тут пишар, жўхори,
Рангимизга, кирар қон.
Кўклам — қишлоқнинг бори,
Кўклам бунча меҳрибон.
Эгнимиз бўлмасди бут,
Ўсдик ярим яланғоч,
Онамиздай балхи тут
Бизларни қўймасди оч.
Бобом айтган қўшиқни
Биз ҳам аста куйлардик.
Қим куйламас ўз ризқин,
Тут шохига бўйлардик.
Оқ қаймоғим, балхи тут,
Нон, қаймоғим, балхи тут.
Доналаринг жондайин,
Сен қишлоғим, балхи тут.

Олмахондек липиллаб,
Шохларига тирмашиб
Тут ердик биз тутамлаб,
Шохлардан-шоҳга ошиб
Дўппи тўла балхи тут,
Тут ҳиди уст-бошимиз.

Уйнар эдик бағри бут,
Тут эди нон, ошимиз.

Кеча мана бозорда
Тут сотарди бир кампир.
«Қаранг, тут ҳали бор-да»
Бирдан сўз қотди кимдир,
Биров тут деди малҳам,
Ошқозоннинг давоси,
Унга қўшилган одам
Йўқдир, деди баҳоси.
Қани деди тутмайиз,
Кўза тўла шиннилар.
Қириб кетди эсиз
Қириб кетди «жиннилар»...
Шотутни айтмайсизми,
Бир сўм-а пиёласи.
Уз ерингда тут йўқ деб,
Айтгани уяласан.
Бирдан кампир тутининг
Ошди-ку, нарх-навоси,
Ҳей, навбатга тутининг
Йўқдир тутнинг баҳоси..
Биз шотутга ўч эдик,
Тўйимлийди, ширин, соз.
Бўялиб юрар эдик
Мисоли масхарабоз.
Онам кўнгли тўқ эди,
Биз тут билан банд эдик.
Ташвишимиз йўқ эди,
Жонимиз пайванд эдик.
Бош тортганда жўхори,
Қувонардик бир жаҳон.
Чуғурчуқларнинг бари
Учганда поя томон,
Ҳай-ҳайлашиб, ҳайлашиб,

Қолар эдик ҳайдашиб,
Қўлимизда палахмон,
Палахмон эди солқон,
Биз жўхори қўрирдик,
Қўриқчийдик эрта-кеч.
Билмасдик ёз айланиб,
Қиш келиб қолганин ҳеч.
Яна танча.
Қора қиш.
Онам ранги заъфарон.
Бизни боқар бояқиш,
Кам бўлманг деб, болажон,
Бир кун, ҳа, ҳа ўшанда
Пешин чоғи туш эди.
Дастурхон ҳам ўшанда,
Шипшийдам, бўм-бўш эди,
Бобоммиди ё қўшни,
Олиб келди битта нон.
Дастурхонга биз шошиб,
Қўл узатдик тўртовлон.
Онам нонни ушатиб
Бўлди тўртовимизга.
Дедим бирдан сўз қотиб,
Онажон, қани Сизга!
Укаларим жим турди,
Қўлда ушатилган нон.
Онам юзини бурди,
«Тўйиб енг, — деб, — болажон!»
Мен ноннинг бўлагини
Қўйдим онам олдига.
Олинг деб керагини,
Айтиб қўйиб олдиндан.
Укаларим — учовлон
Олинг дедик онажон.
Онам деди тўйганман,
Айланайин, болажон.

Бизлар яна қистагач,
Туравергач бош эгиб.
(Онам шуни истагач,
Бизлар нима қилардик.)
Териб ноннинг куйигин
Тил устига ташлади.
Кетган каби суюниб,
Дил сўзини бошлади.
«Шўхлигингиз кўрайин,
Тўқлигингиз кўрайин.
Ғаму ҳасрат сизларда
Иўқлигини кўрайин.
Мен куйиб ўтдим, болам,
Куйган нон ҳам етади,
Ғам туюб ўтдим болам,
Куйган жон ҳам етади.
Сизлар бўлманг заъфарон,
Бировдан бўлмангиз кам.
Ниятим шу, жон болам,
Ниятим шу, болажон»!.

Қуроқ ойнахалтада
Қолиб кетди қорахат.
Онам ўтиб баҳридан —
Бизларга тилади бахт.

Ху олисда бир юлдуз
Жимирлайди тун бўйи.
Енади кеча-кундуз
Бизни излаб кунбўйи.
Биз нурларга ўралиб,
Шошайпмиз нур сари.
Дарёдайин буралиб
Шошиб-тошиб сарсари.
Юлдуз кўкнинг чироғи,
Меҳри бизга бойланган.

Опамизнинг нигоҳи,
Юлдузларга айланган.


Онам ўйга толганда,
Ўтирарди ер чизиб.
Гоҳи ёлғиз қолганда
Кўзларидан ёш сизиб.

Оналар бор, меҳри битмас,
Қўрқмас ажал ўқидан.
Оналар бор, чиқиб кетмас
Ер ўзининг ўқидан.

1984



НУР БОЛАМИЗ— ҚУВОНАМИЗ



ҚУШНИЛАР

(Ҳазил)

Дадам ишдан гоҳи хурсанд,
Гоҳи келар хафароқ.
Хафа келса йўқ хўрозқанд,
Хурсанд келса, бир қучоқ.
Хурсанд келса ҳаммамизни
Бир-бир қўяр кўтариб.
Хафа келса, қувар бизни,
Томоқ қириб, йўталиб.
Ойим шунда дарров шошиб,
Ошхонага киради.
Дадам бўлса, қовоқ уюб
Яна томоқ қиради.
Ойим шўрва олиб келса,
Ош қилмабсан дер дадам,
Хурсанд келса, нима бўлса
Маза қилиб ер, дадам.

Ён қўшнимиз томоқ қириб,
Гоҳи қўйса йўталиб,
Укам шошиб уйга кирар,
Чақалоқни кўтариб.
Биз-чи, шунда уйда қолиб,
Кулсак агар қиқирлаб.
Қўшнимизнинг ўғли Толиб,
Йиғлаб қолар ҳиқиллаб.
Дадамни-чи, ойим шунда,
Мақтаб-мақтаб кетади.
Ён қўшнимиз айтинг, кунда
Жанжаллашиб нетади.
Биз куламыз. Дадам кулар.
Ойим кулар қўшилиб.
Эҳ... яшашни билмас улар.

Жанжаллашар бӯш қолиб.
Биз ҳўмрайсак, қўшни кулар,
Қўшни кулса биз тажанг...
Олиб келар бизга кунлар
Қимга кулги, кимга «жанг»...
...Қўшниларнинг қувончи ҳам,
Ташвиши ҳам қўш жуда,
Бир кун бизнинг уйда байрам,
Бир кун байрам қўшнида.

1984

«ЧЕЧАНЛАР»

Феруза гапга чечан,
Дилфуза гапга чечан.
Бижилдоқ экан дея
Дўстлар, ўйламанг ҳечам
Эшитгани-билгани
Дарров етказиб турар.
Хаёлингга келмаган
Сўзларни тизиб турар.
Мана сизга бир мисол,
(Югуришиб юрибди).
Болалар байрамида
Қўшнимиз қиз кўрибди.
Кулади иккаласи,
Келтириб таърифини.
Чақалоқни мақташиб,
Олишиб тарафини.
Феруза дер:— Ада у
Йигит бўлиб ўсади.
Ҳеч нарсадан қўрқмайди,
Бургут бўлиб ўсади,
Бизга ўхшаб ўсади,

Сизга ўхшаб ўсади.
Яна сизга бир мисол,
Дилфуза топган буни.
Қимдир ўғил кўрибди,
Саккизинчи март куни,
Дилфуза дер:— Бу бола
Қиздай ювош бўлади.
Катта бўлса кўрасиз
Қизларга бош бўлади.
«Қизга ўхшар ингаси»,
Шундай деди янгаси.
Феруза гапга чечан,
Дилфуза гапга чечан,
Маҳмадана экан деб
Дўстлар ўйламанг ҳечам.
Дейишади баравар,
Адажон, беринг қулоқ.
Ҳар ким ўз байрамида
Туғилгани яхшироқ.

1981

ЯХШИЛИК

(Ҳазил)

Сизга айтсам идиш-товоқ
Уйимизда бир дўкон.
Дадам деса:— Етар йиғмоқ,
Ойим дейди:— Ҳеч қачон!
Меҳмон келса стол усти
Тўлиб кетар чиннига.
Чинни эмиш — стол ҳусни
Жой топилмас шиннига.
Аммо менда ўзга ташвиш,
Бир кўч бўлар юмушим.
Меҳмон кетса уй супуриш,
Керак идиш ювишим.
Кеча мана юва туриб,
Бир косани синдирдим.
Ойижоним, бунни кўриб,
Хўмрайганча қолди жим.
Адам деди:
— Яхшиликка,
Хафа бўлма, қўрқмагин.
Гап кўп экан яхшиликда,
Бураб кран жўмрагин, —
Юваётсам, синди лаган,
Яна пахта гуллиси.
Адам деди:— Қўрқмагин сан,—
Зўрға тутиб кулгисин.
Чойнак синди:
— Яхшиликка,
Кейин коса, пиёла,
Гап кўп экан яхшиликда.
Синаяпти кунора.
Ойим деди:— Яхшилигинг
Етар болам, қўйгин, бас.



Шундан бери, ойм, билинг, —
Ошхонага йўлатмас.
Еқмас эмиш бундай қилиқ,
Ҳайрон бўлиб турибман,
Энди кимга мен яхшилиқ,
Қилайин деб юрибман.

1983

УЙЛАЯПТИ

Жаҳонгир ўйлаяпти,
Нимани ўйлаяпти?
Атрофга қараб туриб,
Ичида сўйлаяпти.
Болалар ўртоқ бўлса,
Аҳил ва иноқ бўлса.
Елғон, ғийбат, ваҳима —
Улардан йироқ бўлса.
Ранжимаса муаллим,
Инжимаса, муаллим,
Беш қўйишдан ҳеч қачон
Тинчимаса, муаллим.
Қўл ушлашиб болалар,
Гул ушлашиб болалар
Шодон ўсса, шод ўсса,
Дил хушлашиб болалар.
«Нимани ўйлаяпсан»,
Туртиб қолди ўртоғи.
Чиқиб қолди шу билан
Ҳамма ишнинг чатоғи...

1983

ҚИЗАЛОҚЛАР

Уч дугона-октябрат,
Гули, Доно, Хосият,
Ойиларин мақташди,
Бижирлаб сўз талашди.
Гули деди: — Эл билар,
Менинг ойим яхшилар.
Узлари хўп пазанда,
Турадилар азонда.
Уйларимиз саришта,
Биринчилар ҳар ишда.
Дадажоним, ҳар доим,
Омон бўлсин дер ойинг.
— Эҳ, — дер Доно қизалоқ, —
Сенинг ойинг бақалоқ.
Билиб қўй, менинг ойим,
Мошинда юрар доим.
Кўрганлар қилар ҳавас,
Қийганлари хонатлас.
Дадам ҳам ҳурмат қилар,
Менинг ойим яхшилар.
Гули бирдан тундлашди,
Доно-ла сўз талашди.
— Ҳа, ойингни билмас ким,
Дадангни қийнар доим.
Уйларингда ҳар маҳал,
Бўлиб туради жанжал. —
Кулиб қўйди Хосият.
— Жанжаллашиш, бу уят,
Менинг ойим яхшилар.
Уйимизнинг нақшилар
Ойим — Қаҳрамон она,
Барчамизга парвона.
Овқатлари қанд-новвот,
Қант-новвотмас, қандолат.

Юз йил яшасин ойинг,—
Дейди дадам ҳар доим.
— Ваҳ, — деди қаранг Доно,
Сўз топиб аранг, Доно:
— Мақтанчоқсан Хосият,
Ёлғон сўзлаш, бу уят,
Овқат пиширмас ойинг,
Даданг пиширар доим.
— Уйида бор чақалоқ,—
Деди Гули — қизалоқ.
— Гап қўшма, — деди Доно, —
Мендай кийинмас асло.
Буни билиш қийинми,
Эғнидаги кийимни
Қийиб берган опаси,
Мақтаниши нимаси?
Қизларда гап кўп эди,
Баҳсга ўрин йўқ эди.
Ойиларин мақташди,
Бир-бирини талашди.

Яшасин, уч қизалоқ,
Гап терар супра қулоқ.

1982

ЎЗИМ БИЛАРДИМ

Азаматга гап қилмас кор,
«Икки»лари қатор-қатор.
Дарс уқдирай десанг дарҳол.
У бошини ликиллатар.
— Буни ўзим билардим.
Сўз очилса қайси фандан,
Ўйчан турар у дафъатан.
Банд юргандек илм билан,
У бошини ликиллатар,
— Буни ўзим билардим.
Болалар дер:— Эй, хумкалла,
Ичи бўм-бўш, эй, хомкалла,
Сени билмас қай маҳалла?
У бошини ликиллатар:
— Буни ўзим билардим.

1981

АЙИҚПОЛВОН

Айиқполвон ўйин тушар,
Авжда чапак, қийқириқ.
Олқишлардан қалби жўшар,
Қилар яна минг қилиқ.
Нағма қилиб эгасига —
Қараб қўяр қайрилиб.
Бир жуфтгина оппоқ қанддан
Қолмайин деб айрилиб.

1982

ДАДАСИНИНГ БОЛАСИ

Жаҳонгирдан сўрадим,
Қани айт-чи, жон ўғлим,
Менинг паҳлавон ўғлим,
Сен нимадан қўрқасан?
У тикилб турди жим.
— Қоплондан қўрқасанми?
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Арслондан қўрқасанми?
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Сиртлондан қўрқасанми?
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Илондан қўрқасанми?
— Йўқ, қўрқмайман, — деди у.
— Бўридан-чи?
— Йўқ, — деди.
— Уғридан-чи?
— Йўқ, — деди.
«Йўқ-йўқ» лаб тураверди,
Қиқирлаб кулаверди.
— Билинг, — деди, — дадавой,
Қўрқоқларнинг ҳоли вой,
Сиз қўрқасиз кеч қолиб,
Қўнғироқни чалишдан.
Ойим қўрқар дод солиб,
Сиздан ажраб қолишдан.

1984

НУҚТАЛАР

(Тез айтиш)

Ота нуқта бор эмиш,
Она нуқта бор эмиш.
Дум-думалоқ эркатой —
Бола нуқта бор эмиш.
Қўп эмиш-да, нуқталар,
Хўп эмиш-да, нуқталар.
Ишлашармиш, гап-сўзни
Тўхтатишда нуқталар.
Юм-юмалоқ нуқталар,
Дум-думалоқ нуқталар.
Йиғилибди бир ерга —
Ёртиқулоқ нуқталар.
Она нуқта кўнгли ғаш,
Бола нуқталар ўхшаш.
Ота нуқта кўнгли ғаш,
Ҳамма нуқталар ўхшаш.
Бола нуқта ёпишди
Узга она нуқтага.
Она нуқта ёпишди,
Узга бола нуқтага.
Ҳайрон қолди нуқталар,
Қаҳ-қаҳ отиб кулишди.
Жой-жойига ҳамма деб,
Дум-думалоқ бўлишди.

1983

«ЧИНИҚИШ»

Кичик укам ўқишдан
Бирор кун тинч қайтган йўқ.
Ойим доим ташвишда,
Дейди:— Бунинг олов, чўғ,
Олов, чўғлиги шунча,
Бир кун келар лаб шишгаң,
Писандмас, унча-мунча,
Талашгани-талашган.
Пешонаси гоҳ ғурра,
Гоҳида келар оқсаб.
Дадам дейди:— Эй, урра,
Ўғлимиз пишмоқда зап.
Ойим дейди: — Ўзингни,
Бундоқ асра, авайла.
Қараб юргин кўзингга,
Олишмагин атайлаб.
Укам дейди:— Ойижон,
(Тилга кирар қўққисдан)
Икки олсам кўп ёмон,
Ёқалашиш, боксдан.
Дадам бирдан ҳа, деди,
Ойим бирдан ҳа, деди,
Укам яна олишиб,
Лунжигга бир мушт еди.

1984

ОВЧИ

Дадам бұрини отди,
Ундан қолмади нишон.
Сўнг тулки,
Тустовуқни,
Отилди қизилиштон.
Чумчуқ изиллаб қолди,
Майна безиллаб қолди.
Уқ отилса Олапар
Излаб, физиллаб қолди.
Дадам милтиқ кўтариб,
Чиқса, бизга томоша.
Ахир қуруқ қайтмасди,
Ови сероб кун оша.
Чиқарганди қишлоқда,
Уста мерган деган ном,
Йиллар ўтди...
Дадам дер:—
Кўп ишларим экан хом.
Бугун қушлар сайрамас,
Балки сайрар, қулоқ кар...
Остонага бош қўйиб,
Мудраб ётар олапар.
Қишлоқ жимжит,
Жимжитлик.
Юрмаймиз тулки қувлаб,
Дала-даштда бўри ҳам
Энди изғимас увлаб...
Дадам шундай деди-ю,
Тушунмадим бу сирга.
Милтиқни олиб отди,
Ёнаётган тандирга.
Тандир лов этиб ёнди,
Олапар қўйди фингшиб.
Бу не товуш деб дадам.

Уйга толди мук тушиб.
Ахир жони-жонивор
Юрагини олдириб,
Кетган эди.
Китобда —
Бизга расмин қолдириб...

1984

АКА-УКАЛАР

Ака-ука уйда бўлсак,
Уриш-жанжал конимиз.
Бир-биримиз туртсак, урсак,
Ачишмайди жонимиз.
Акам деса: «Кўздан йўқол»,
Мен ҳам дейман: «Йўқолинг».
Бувим дейди: «Бу қандай ҳол,
Бу қанақа қўполлик!»
Аmmo уйдан чиқсак тамом,
Эл кўзида иноқмиз.
Ҳайрон қолар — билган одам,
Ширин сўзу қувноқмиз.
Акам мени сиз-сизлаб,
Биқинимдан чимчилар.
Мен акамни сиз-сизлаб
Дейман: «Уйда ким чидар!»
Агар биров кўтарса қўл,
Акажоним, мисли шер.
Юпатади: «Бардам бўл,
Укажоним, қўрқма», дер.
Акам мени юрагида
Сулюб-сулюб юради.
Мен акамни юрагимда
Сулюб-сулюб юраман.

Оралари чатоқ дея,
Асло-асло ўйламанг.
Ака-ука олишганда
Девордан ҳам бўйламанг.
Топиб олсак битта майиз,
Теппа-тегг бўлиб еймиз.
Аммо уйда муштлашамиз,
Бўлмайлик деб хомсемиз...

1981

ЧУМОЛИНИНГ ИЗЛАРИ

Чумолининг изларини
Кўриб қолиб,
Тулки гаранг.
Деди:— Бу ҳам энг қадимий
Езув бўлса керак,
Қаранг.

1982

ҚИЗЛАР КҰПМИ, БОЛАЛАР

Феруза дер:— Ада, айтинг,
Қизлар кўпми, болалар.
Болалар кўп десам, мени
Қувватламас холалар.
Уйлаб турсам, қизим кулар:
— Билмайсизми, шуни ҳам
Қизлар кўп-ку, қизлар кўп-ку.
Ўғил бола жуда кам, —
Қиз болага тўлиб кетган
Мақтаблару хоналар.
Атлас кўйлак кўпайсин деб,
Қиз туғмоқда оналар!

1982

БАҲОНА

Жаҳонгир дер:— Ада, бугун
Мен боғчамдан қоламан.
Сўрагандим:— Нима учун?
Деди:— Ўғил боламан.
Кеча бизга тайинлади
Боғчадаги холалар.
Бир кун қизлар келсин деди,
Бир кун келсин болалар.

1979

ШҮРДАНАК

Шўрданагим, шўрданак,
Қандай эдинг зўр, данак.
Зўрман дединг чақдилар,
Сен ўзингдан кўр, данак.

1982

ЭРТАКЛАР



ХАЗИНА

Утган ҳар бир дақиқа
Тарихга айланади.
Эртанги кун — ҳақиқат, —
Умрга бойланади.
Қуёш қайта чиқади,
Ва қайта ботади ой.
Замин-чи, нур йиғади,
Қўрсатмоқ учун чирой.
Мавридида сўзланса,
Оддий сўз бўлар ҳикмат
Қадим дея эсланса,
Бўлар янада қиммат.
Кўнгилни олмоқ қийин,
Жароҳат қилмоқ осон.
Юрар ёнма-ён тайин,
Яхшилик билан ёмон.
Қулгининг ранги — қуёш,
Бахилининг ранги — қора.
Иккиси яшар талош
Миллион йиллар ора.
Бир кун...
Ҳа, мен ўшанда
Оддий талаба эдим.
Мақтовнинг бари манда,
Мақтов ғалаба эди.
Синфнинг олди эдим,
Қундалик тўла аъло.
Сўзларим олтин эди,
Шундай эдим бебаҳо...
Бино қўйиб ўзимга
Яшардим...
Қўп-да ҳавас.
Кўринмасди кўзимга

Ҳеч ким...

Ботир эдим, бас.

Айтгандек муаллимим,

Якка-ягона эдим.

Сўзимга кирмаса ким,

Дарҳол бегона эдим.

Мақтов ёқарди мойдек,

(Кимга ёқмас эркалаш)

Чопардим гижинг тойдек,

Шундай эдим мен талош.

Кўп чўзилмади бу ҳол,

Бир кун тоза панд эдим.

Бўйнимга олсам ҳалол,

Ўзим билан банд эдим...

Сўраб қоларсиз сабаб?

(Даҳли йўқ ўқишимга)

Бувамдан эшитдим гап,

Ўзимнинг қилмишимдан.

Аниқ эсимда бари,

(Ҳамон оғрийди бошим.)

Мендан ёрдам сўргали

Келганда синфдошим,

Олдин калака қилиб,

Эшикни беркитдим ман.



Узоқман дедим кулиб,
«Сендайин иркитдан ман».
Ҳазилмиди билмадим,
Юракдан чиққан сўзим.
Йўқ... ўзимга келмадим,
Бувамга тушгач кўзим.
Нега, нега қизғандим,
Сўраганда у китоб.
«Йўқ», деб жавоб қайтардим,
Эшикни ёпдим шу тоб.
Дўстим қолди боши хам,
Ҳолин сўрмади ҳеч ким.
Мени-чи, кекса бувам
Кузатиб турарди жим
Билардим, синфдошим
Синфда ўрта эди.
Емас эди нон-ошим,
(Ўртадан ўнта эди)
Тайинларди муаллим,
Дўстингга қўлингни чўз.
Уртада бўлса билим
Синфдан чиқмас бир сўз.
Мен эса, ҳа, мен эса,
Ўз-ўзимни ўйлардим.
Ёрдам сўраб ким келса,
Вақтим йўқ деб сўйлардим.
Кетмас кўзим ўнгидан
(Ҳамон оғрийди бошим)
Эшик ортида қолган
Боши хам синфдошим.
Қойимадилар бувам,
Кулиб қўйдилар майин.
Жилмайиб ўшанда ҳам,
Гердайиб турдим тайин.
«Зўрсан» дедилар аста,
(Мақтов кимга ҳам ёқмас)

Ўзгардилар бирпасда,
Демак ранжибдилар, бас.
Биламан одатларини,
Агар ошсам ҳаддимдан,
Сал ростлаб қадларини,
Сўз очарлар қадимдан.
Қадимдан бошланган сўз,
Менга мактаб...

Сизга ҳам.

Менда-ку, очилди кўз,
Сабабчи — доно бувам.
Бувам узоқ суриб ўй,
Сўзни тизиб, саралаб,
Сайр этиб кетдилар
Кўҳна тарих оралаб.
...Қадимда учта ўғри
Сўзни қўйиб бир жойга,
Қўрқмай кирибди тўғри
Шоҳ қасрига-саройга.
Ҳеч ким сезмабди буни.
Ўғрилар уста экан.
Сенга айтсам шу тунни
Соқчилар юзта экан.
Аслида бу оддий гап,
Ўғри иши — таваккал,
Ё кетар шоҳни талаб,
Ё бошга битта ажал...
Ахир саройга излаб
Келишмаган нинани.
Билишар соқчи юзлаб,
Пойлашар хазинани.
Шоҳ билан ўйнаб бўлмас,
Неварам ҳеч замонда.
Тирик жон очдан ўлмас,
Гап кўп-да оломонда.
Ўғри ҳамиша бадном,

Пешонада тамғаси.
Шоҳни ўйлатмас тамом,
Вазирларин нағмаси...
Мени ҳайратга солар
Шоҳлик ҳам,
Ўғрилиқ ҳам.
Иккисин орасида
Соғ қолган тўғрилиқ ҳам.
Тун уларни қўллабди, •
Юриб зинама-зина,
Ниҳоят дуч келибди
Мана мен деб хазина.
Ана олтин, жавоҳир,
Ана сенга безаклар.
Ўғрилар танлар бир-бир,
Қўзни олар сийму зар.
Йиғиб ноёб, енгилни,
Шошиб бир ерга тўплар.
Ўғрининг бу қилигин
Ахир биледи кўплар.
Очилади сандиқлар,
Уч ўғри ишлар шитоб.
Ногоҳ топиб олишар
Зарга ўралган китоб.
Бу қандайн мўъжиза,
Бу қандай сиру асрор.
Бойлик кўринмас кўзга,
Уч ўғри шошиб дарҳол
Қитобни варақлашар,
Ўтиришиб чўккалаб.
Езувларни ўқишар
Ҳарфни қўшиб, чўқилаб...
Саҳифа бўйлаб чопар
Чанқоқ, чанқоқ кўзлари.
«Наҳот яшадик сўқир»,
Юракда шу сўзлари.

Хазинага не учун
Киришган,
Бари унут.
Китобда ақл-кучи,
Боқишар мисли бургут.
Тонг отар
Хазинабон
Очар экан қопқани,
Кўриб бўлади ҳайрон,
Уч ўғрининг ётганин.
Ўртада ёлғиз китоб,
Сандиқлар оппа-очиқ.
Бонг уради у шу чоқ,
Танидан мадор қочиб...

Парво қилмас уч ўғри
Ясовул ханжарига.
Қўлларин тутар тўғри,
Келтирган занжарига.
Билмайди хазинабон,
Бу қандай сиру асрор.
Ўғрига ҳам ширин жон,
Наҳот соғинтирган дор.
Елдай чопқир бу хабар
Етгач шоҳга, вазирга,
Ҳайрон қолар муқаррар
Тушунолмай бу сирга.
Сарой аҳлида ҳайрат,
Ечилмайди бу жумбоқ.
Аммо ўтмоқда фурсат,
Биров айтолмас, бундоқ,
Шоҳ дарғазаб: кўзда қон,
Кимдан олсин ўчини.
Тополмас аҳли аён
Калаванинг учини.
— Келтиринг, — дер, — ўғрини,

Келтиринг, менга шу дам
Кўрмаган бундайини,
Ҳатто катта бобом ҳам.
Уч занжирбанд бандини
Шоҳ қила бошлар сўроқ.
Билмас, учта тантининг
Хаёли ўзга бироқ.
— Уғримисан? — сўрар шоҳ,
— Уғримиз, — дер учови.
Аммо излашмас паноҳ,
Қаршида жаллод — ёви.
Қизиқ ўйлаб қолар шоҳ,
Билмас не деб сўкишни.
Бу нодон учта гумроҳ
Қандай билар ўқишни.
Ҳайрон шоҳ ҳам, вазир ҳам,
Шуниси бош қотирма.
Шоҳ ўзин босиб кам-кам,
Ғазабини орттирмай
Сўрар:
— Ғафлат босдим,
Ёки менинг савлатим.
Етти иқлимга машҳур
Лашкар билан давлатим.
Кўрмадинг наҳот, ажаб,
Сездингми ўзинг ортиқ.
Қувлаган бўлса ажал,
Ўзим қиламан тортиқ.
— Уғримиз, — дебди тетик,
(Кулиб жўрабошиси)
Хазинангга киргандик,
Бу ҳам омаднинг иши.
Босган эмас ғафлат ҳам,
Чўчитмади савлатинг.
Хазинангга хотиржам

Қирдик.
Қўрдик давлатинг.
Бир бошга битта ўлим,
Хоҳ ҳалол ўл, хоҳ ҳаром.
Бу сафар менинг қўлим
Покликка тегди тамом.
Гувоҳдир шерикларим.
Билдик кимдадир гуноҳ.
Майли, кўм тириклайин,
Эй, жаллод-олампаноҳ.
Қасбимиз шу, ўғримиз,
Ҳийла-найрангимиз кўп,
Аммо сендан тўғримиз,
Яширмайин, дегин хўп.
Сен илми халқингдан
Келмоқдасан яшириб.
Бойлигинггу мулкинг ҳам
Ўзинг каби бир ғариб.
Сен ғарибсан,
Ҳа, чиндан,
Ният, борлигинг зулмат.
Халқ бошига қадимдан
Экиб келасан кулфат.
Сен қўрқасан халқингнинг —
Қўзи очилишидан.
Қалбга илм ёлқинин —
Нури сочилишидан.
Энди бошимизни ол,
Улайлик тўғри бўлиб.
Мулкингда яшаш увол,
Сендайин ўғри бўлиб.
— Йўқот, — дебди титраб шоҳ, —
Йўқот, кўзимдан йўқот,
Пайдо бўлибди дарҳол
Ойболтали тўрт жаллод.
Ҳамма тош қотибди жим,

Бўлар деб қандай ҳукм.
Гувоҳга ўтгач билим,
Чиқиб кетибди ҳоким...

· Кейин нима бўлди деб,
Сўрамадим бувамдан.
Тўғриси кўрмадим эп,
Бошим эгиб қолдим маң.
Бувам қадим-қадимдан,
Сўз очмаслар бесабаб.
Ранжиб ўзим-ўзимдан,
Юрмоқдаман хира таъб,
Бувам менга текказиб,
Айтдилар бу нақлни.
Сиз дўстларга етказиб,
Чархланг энди Ақлни!

1980—1981.

МЕҲМОН

Эртак доим бошланар
Қадим деган сўз билан.
Кимдир уни эшитган,
Кимдир кўрган кўз билан...
Бобом айтган нақлни
Ардоқлайман аслида:
«Болам, меҳмон суюшлик
Ошна ўзбек наслига.
Бизнинг элу юртимиз
Меҳмон билан тирикдир.
Қайга борса, қад баланд,
Иши доим йирикдир.
Меҳмон келса топганин
Кўяр дастурхонига.
Меҳмон — уйнинг чиройи,
Меҳмон тенгдир жонига.
Меҳмон келса бола ҳам
Бўлар гирди-капалак.
Чақалоқ ҳам жилмаяр,
Жилмайиши камалак.
Меҳмон келсин, меҳмоннинг
Тани доим соғ бўлсин.
Мезбон кулсин, мезбоннинг
Хонадони боғ бўлсин...»
Бобом сўзин нақл деб,
Кўчирдим мен аслида.
Меҳмон учун жон фидо
Доим ўзбек наслида.
Баравармас панжамиз,
Ухшамайди кунга-кун.
Аммо эртак бизларни
Лол этиб келган бутун.
Кимдир буни эшитган,
Кимдир кўрган кўз билан.



Эртак доим бошланар
Қадим деган сўз билан.
Бу эртак ҳам қолганди
Замонларнинг чангида.
Аммо Усмон акамиз
Айтиб берди янгидан.
— Утган экан бир замон
Биз томонда кекса чол.
Биров уни бой деган,
Биров деган ўрта ҳол.
Қим бўлмасин майлига
Қўнгли очиқ,
Меҳмондўст.
Умр бўйи шод-хурсанд,
Яшаб ўтган бекам-кўст.
Доим чолнинг эшиги
Меҳмонга пешкаш экан.
Бир кун меҳмон келмаса
Кекса қўнгли ғаш экан.
Келар экан карвонлар
Чол билмаган ёқлардан.
Афғон, ҳинду, ироқ ҳам
Чол соғлигин йўқларкан.
Чолга меҳмон келса бас,
Қўл олишса шод экан.
Асл-насабин сўраш
Унинг учун ёт экан.
Қайга борса шул сабаб,
Қўлма-қўл ўтар экан.
Қўзини йўлга тикиб,
Чол меҳмон кутар экан.
Деркан: меҳмон келмаса
Уйнинг ҳувиллаб қолар.
Ёлғиз қолсанг бу дунё
Сени не куйга солар.
Дўсту ёр орттирмасанг,

Ҳожат йўқдир яшашдан.
Одам меҳр-оташни
Олган экан қуёшдан.

Меҳр адо бўлмасин
Яшнаб турсин бир умр.
Ахир учқун текканда
Чўғга айланар кўмир...
Чол бир кун икки ўғлин
Чақирибди ёнига.
Кўнглин аста ёрибди
Жоню жаҳонига:
— Болам, мана куним ҳам
Битишига оз қолди.
Эҳ-ҳе... ортга қарасам,
Қанча қишу ёз қолди.
Емаганим едирдим,
Қиймаганим кийдирдим.
Оталик меҳри билан
Элга сизни суйдирдим.
Уйли-жойли бўлдингиз,
Ўсдингиз бўкаму кўст.
Болам, битта ниятим,
Бўлингизлар меҳмондўст.
Одамови бўлсангиз,
Кўрингиз ўзингиздан.
Қимлигингиз одамлар
Билишар кўзингиздан...

Чол бошқа сўз демабди,
Хайр дебди дунёга...
Шу кун ота уйига
От мингану пиёда,
Қелишибди тумонат,
Йиғлашибди отам деб.
Наҳот дунёдан кетди

Кўнгли очиқ одам деб.
Ким туяда,
Ким отда
Келтирибди топганин.
Ут қалабди тандирга
Юз аёл нон ёпгани...
Кун ўтибди шу зайл,
Ой ўтибди шу зайл,
Чолнинг уйида йигин,
Чолнинг уйида сайил...
Остонадан бир кунн
Узилганида қадам
Қатта ўғил кичигин
Чақириб дебди:
— Укам,
Мана отасиз қолдик,
Ўтди барча маърака.
Сўзни битта қилайлик,
Мен — ака-ю,
Сен — ука!
Етар, отам сочгани,
Етар, келгани меҳмон.
Меҳмон бору йўғинга
Қарамайди ҳеч қачон,
Меҳмон ейди — кетади,
Келиб вақти-бемаҳал.
Бизга қолар азоби,
Тинчроқ яшаган афзал.
Хоҳласанг тенг бўлайлик
Отам қолдирган молни.
Гоҳо чироғин ёқиб
Эслаб турайлик чолни.
Ука аканинг сўзин
Ҳайрат билан тинглабди,
Ота гапини эслаб,
Юрагида инграбди.

— Қўйгин, — дебди, — акажон,
Қўйгин, бундай сўйлама.
Меҳмон ташвиши менга,
Сен меҳмонни ўйлама.
Ахир отам не деган,
Чиқардингми эсингдан.
Қандай одам бўласан,
Дўст кирмаса изингдан.

Гап уқмагач акаси:
— Майли, дебди ўзинг бил,
Мен отамнинг ўғлиман,
Айтганингни майли, қил.

Ака шу кун талашиб
Эга бўпти мол-қолга.
Ука кўчиб кетибди
Чидамай бу аҳволга.
Ака яшар бадавлат,
Сурув-сурув от билан.
Унинг сира иши йўқ
На қариндош, ёт билан.
Биров очмас эшигин,
Борлиғи — бойлиги бор.
Ука эса яшаркан,
Аллақайда хору зор.
Уйлар экан акаси
Уйлар экан ҳар замон.
Укам гапимга кирса,
Бўлмас эди-ку, ёмон.
Энди ўзидан кўрсин,
Мана, юрибди қуриб.
У бўлганда мол-мулкни
Кетар эди совуриб.
Мен отамнинг ўғлиман,
Деган эди укаси.

Бу сўз мағзин чақмасди,
Унинг зиқна акаси.
Ука эса кўп ночор
Яшар эди бу палла.
Қўли очиқлигини
Билар эди маҳалла.
Қайга борса шу сабаб,
Нондай азиз эди у.
Уйнинг тўри уники,
Жондай азиз эди у.
Аста-аста йиғди у
Отасининг дўстларин.
Йиллар тузатиб кетди
Унинг каму кўстларин...

Йиллар ўтмас бир маром,
Кунлар ўтмас бир маром.
Ўз толганинг ўзингга
Буюрмаса — бу ҳаром.
Ота шуни таъкидлаб
Ўтган эди оламдан.
Қўли очиқ мард ўғил
Қолсин экан одамдан.
Ука, сизга айтгандек
Топди талай дўсту ёр.
Ахир ота изини
Қилган эди ихтиёр.
Ака йиғар молу мулк
Қилар бойликка тавоб,
Аmmo билмасди унинг
Аҳволи эди хароб.
Қимса эшигин очиб
Қўймас эди қадамин.
Авайлаб ёқар эди
Қаттоки олган шамин.
Бойлик эди беҳисоб,

Уй ўйлаб яшар эди.
Эшик берк. Олтинлари —
Сандиқдан тошар эди.
Кечқурун дарвозани
Қўяр эди тамбалаб.
Тунлари ухламасди,
Танчасига ўт қалаб...
Чўчиб-чўчиб яшарди,
Боқмасди девор оша.
Ўтган-кетган аҳволин
Қилар эди томоша.

Биласиз, қадимларда
Ёв босди деган гап бор.
(Эртакда ҳам ёв жабрин
Биров кўрмасин зинҳор.)
Ёв-ёвлигин қилади
Қонталаш экан кўзи.
Шунинг учун ҳамиша
Қоп-қора экан юзи.
Бир кун ака уйини
Босибди кечқурун ёв.
«Не бўлди, аҳволинг не»
Сўрамабди ҳеч биров.
Акага дардқаш, дармон
Керак эди бу палла.
Аммо унинг кимлигин
Билар эди маҳалла.

Эртак доим бошланар,
Қадим деган сўз билан.
Кимдир уни эшитган,
Кимдир кўрган кўз билан.
Эртакда ҳам очкўзнинг
Аҳволи забун экан.
Бойликка ўч одамнинг

Дили доим хун экан.
Ака ҳоли не кечди?
Биз деймиз экан-экан.
Унга меҳр-шафқатни
Эртак ҳам бермас экан...

Баравармас панжамиз,
Ўхшамайди кунга-кун,
Аммо эртак бизларни
Лол этиб келган бутун.
Кимдир буни эшитган,
Кимдир кўрган кўз билан,
Эртак доим бошланар
Қадим деган сўз билан.
Қадимда... ўша ука
Шоҳдан ҳам экан таниқ.
Адашган карвонлар ҳам
Уйин тошаркан аниқ.
Балки ука ўзбекнинг
Тантилигин тимсоли.
Эртакларда кўп бўлар
Яхшиларнинг мисоли.
Эслатарди бир замон
Чол иккала ўғлига:
«Болам, қараб иш тутгин,
Сен меҳмоннинг кўнглига.
Асл меҳмон боқмас ҳеч
Топганинг-тутганинга.
Қовоқ уйсанг келмайди
От сўйиб кутганинга.
Майли, қотган нонинг қўй,
Очиқ чеҳра билан кут.
Шунда меҳри товланиб,
Бариси бўлар унут.
Меҳмон оға-инидай,
Суянчиғинг-тоғингдир.

Бу дунёда кўрганинг,
Яратганинг, боғингдир».
Ота сўзин деб бўлмас
Эртакда бўлган экан.
Бир баҳона бизларга
Бугунча эртак деган.
Энди эртакка келсак,
Яқун шундай бўлади.
Қўли очиқ яшнайти,
Зиқна одам сўлади.
Бобом айтган удумни
Ардоқлайлик укалар.
Бизда сира топилмас
Эртакдаги акалар...
Бу эртак ҳам қолганди
Замонларнинг чангида.
Аммо Усмон акамиз
Айтиб берди янгидан.

Меҳмон билан мезбоннинг
Меҳри товланиб турсин.
Бир-бирини кўрмаса
Йўлга чоғланиб турсин.

1979



ҚАДИМГИ АФСОНА

Афсоналар ичра яшар,
Ер аталмиш — олтин шар.
Тўлиб-тошиб сўзлаганда,
Сўз гавҳарин излаганда,
Қалқиб кетар гоҳ момолар,
Қалқиб кетар гоҳ боболар.
Хаёлларга берганда эрк,
Ғам, ташвишнинг эшиги берк —
Бўлиб қолар ўша онда,
Хўп эртақлар бор жаҳонда...

Бобом дерди асрлардан
Халқ яратган ақл қолар,
Шоҳлар кетар қасрлардан,
Нақл қолар, нақл қолар.

Қадим-қадим замонда,
Боғитуркон томонда,
Бўлган экан бир шаҳар,
Деворлари сийму зар.
Одамлари паҳлавон,
Яшар экан беармон.
Олтини тоғ-тоғ экан,
Қўнгиллари чоғ экан.
Барчаси иноқ экан,
Ташвишдан йироқ экан.
Уртада экан ахир
Олтин, кумуш, жавоҳир.
Бахиллик,
Иғво деган,
Ортиқча ғавғо деган,
Бегона экан элга,
Дугона экан элга —
Кулгу ўйин, томоша,

Ҳатто қуёш кун оша
Қўнар экан шаҳарга.
Хоҳ шому, хоҳ саҳарда
Ялтираркан бу шаҳар,
(Деворлари сийму зар.)
Илми қуёшдан баланд
Ҳоким экан донишманд.
Бор экан боғбон бунда,
Иўқ экан посбон бунда.
Бор экан аҳли дониш,
Иўқ экан ҳасрат, нолиш.
Тунлари ўқиб китоб,
Қаршилар экан офтоб.
Донишманддан деҳқон ҳам
Қолишаркан камдан-кам.
Бор экан бунда булбул,
Ҳар бирининг қўли гул.
Олтин шаҳар кун сайин,
Кун сайинмас тун сайин
Яшнаб очаркан чирой,
Нур сочаркан қуёш, ой,
Устасининг тешаси,
Ҳатто ойна-шишаси
Олтину дурдан экан,
Дур эмас нурдан экан.
Яшнаб ётаркан шаҳар,
Деворлари сийму-зар.
Илми қуёшдан баланд
Ҳоким экан донишманд.
Кунлар яшнаб ўтаркан,
Кувонч ташлаб ўтаркан.
Бор экан бунда оҳу,
Иўқ экан бунда ёҳу...
Хўп ажиб даврон экан,
Халқи беармон экан.



Олтин шаҳар таърифи,
Олтин шаҳар тарихи,
Етмиш узоқ-узоққа,
Бир кўрсам дер фироқда,
Енмиш ёв ҳам, сайёҳ ҳам,
Ватангадо, саёқ ҳам...

Бойликка ўч азалдан
Ёвуз бўлган ажалдан,
Боғларни қилган пайҳон,
Элларни қилган сарсон,
Йўқолсин деб аҳиллик,
Яшасин деб бахиллик,
Уфқлардан нарида,
Худди қовоқаридай
Туну кун лашкар тўплаб,
Йиғиб аслаҳа кўплаб,
Яшаганмиш ёвуз ёв,
Қаҳри бўлиб беаёв.
Олтин шаҳарни олмоқ,
Элни кишанга солмоқ
Нияти шундай экан,
Мисоли чақир тикан.
Тўлғонибди бир кун ёв,
Қаҳри бўлиб беаёв.
Заҳарли бўғма илон,
Элга берибди фармон: —
Олтин шаҳар бир тилсим,
Олиб борар йўлни ким, —
Билиб келса мабодо,
Урнимга бўлгай подшоҳ.
Эртаю кеч жарчилар,
Жарчилар-хабарчилар,
Бонг уриб, сўзлабдилар,
Чарчамай излабдилар.
Топилмабди бирор зот,

Орзу бўлмагач бунёд.
Подшо дарғазаб бўлиб,
Борлиғи ғазаб бўлиб,
Қўпнинг қонин тўкибди,
Жанозасин ўқибди...

Вазирларнинг айёри,
Ҳамма ишга тайёри,
— Мен борай, — дебди шоҳим,
Йўл кўрсатса илоҳим,
Амрингиз бажо қилгум,
Тилсим сирини билгум...
Олтин шаҳар туну кун,
Яшнар экан мисли кун.
Қумуш сув ҳовузларда,
Беҳабар ёвузлардан,
Қувнаб, яшнар экан эл,
Қуйлаб яшнар экан эл.
Қўпдан-қўп яшнаб турмуш,
Билмас экан не уруш.
Бунда бор экан кулгу,
Бунда йўқ экан қайғу.
Бунда соф экан осмон,
Бунда йўқ экан ёмон.
Бунда бор экан наво,
Йўқ экан кибру ҳаво.
Бари экан ширин тил,
Бири-бирига аҳил.
Бунда бор экан илм,
Озод яшасин элим,
Дея улуғ донишманд,
Халқига жони пайванд,
Ҳар ишга бўлиб бош-қош,
Меҳри мисоли қуёш,
Дер экан:
— Бўлсак бир жон,

Бизникидир бу замон.
Сахий ер бизникидир,
Бизники-сизникидир.
Ақлимиз бўлса бутун
Хор бўлмаймиз бирор кун.

Бир кун дала, қир ошиб,
«Меҳмон» келибди шошиб.
Дилида не борлигин,
Меҳмоннинг айёрлигин,
Билмабди шаҳар аҳли.
Эрта тонг туриб вақтли,
Қилишибди катта тўй,
Олиб юриб уйма-уй,
Мусофир шод бўлсин деб,
Биздай ўйнаб-кулсин деб,
Кўрсатибди кун оша,
Улоқ чопиб томоша.
Кураш тушса полвонлар,
Соз чалибди қолганлар.
Шаҳар сирин бирма-бир,
Ўқиб «меҳмон-мусофир»...
— Қайтаман, — дебди бир кун,
(Юрагида қора тун...)
Меҳмоннинг ёвузлигин,
Ҳеч ким сезмабди лекин,
Ҳатто бўлсин дея шод,
Беришибди учқур от.
Хабардор бўл билимдан,
Қуруқ кетма элимдан,
Дея донишманд шу тоб,
Берибди унга китоб.
Ақлинг ёришсин дебди,
Меҳринг қоришсин дебди.
— Келиб тур, — дебди, — меҳмон,
Бағримиз очиқ ҳар он.

Хуржун тўқиб олдиндан,
Тўлдиришиб олтиндан.
Меҳмон бериб совға,
Билмай келарин ғовға,
Кузатиб қўйишибди,
Сийлашиб суйишибди.
Бу ерда қадим-қадим
Шундайин экан удум.

«Мусофир» келгач, дарҳол,
Лашкар кўтариб қурол,
Оҳ, бойлик, қайдасан деб,
Отингни ҳайдасан деб,
Ёз пайти, айни чошгоҳ,
Лашкар тортиб, ёвуз шоҳ
Етмиш олтин шаҳарга,
Кўп йўл босиб саҳарда.
Йўл кўрсатиб бирма-бир,
Борар эмиш «мусофир»...
Ёвуз ҳайқириқлардан,
Ёвуз бақириқлардан,
Кўтарилибди тўзон,
Бўлиб эл бесаранжом,
Уйга ботиб қолибди,
Тошдай қотиб қолибди.

Ҳунар бор экан бунда,
Илм ёр экан бунда.
Билмасдан жанжал, уруш,
Ўтказар экан турмуш.
Донишманд силаб соқол,
Дебди:— Бу қандай аҳвол.
Наҳотки бор оламда,
Лашкар тортар одамлар.
Ўз юрти, эли йўқми,
Пешона тери йўқми?

Бошга кўтариб қурол,
Келар қай ёвуз, баттол?

Аммо вақ тигиз экан,
Ёв мисли — тўнғиз экан.
Халқи донишмандидан,
Жонига пайвандидан,
Сўз кутаркан бу замон,
Атроф ур, йиқ, тўполон...
Донишманд дебди:— Элим,
Менинг қувватим, белим,
Бурнингиз қонамасин,
Майли беринг ҳаммасин,
Ақлимиз бўлса чироқ
Яратамиз жаннат боғ.
Сўнг юзланиб ёвузга,
Энг ёвуз ялмоғизга
Дебди:— Тўхта аждаҳо,
Сўрамаймиз биз паноҳ,
Бари сеники бўлсин,
Халқим меники бўлсин.
Топмоқ мумкин олтин, зар,
Ўз ақлинг бўлса агар.
Ақлимиз ололмайсан,
Кишанга соллолмайсан.
Халқимга тегмасанг бас,
Бошимиз эгмасанг бас.
Сен келибсан шум йўлдан,
Шаҳарни икки қўллаб
Топширамиз қўлингга.
Фақат чиқма йўлимга.
Тупроқ олсанг тош бўлсин,
Ниятинг йўлдош бўлсин...

Донишманднинг сўзидан,
Донишманднинг изидан,

Халқи чиқмай кетибди,
Тоғ-тошлоққа етибди.
Олдинда катта карвон,
Донишманд бўлиб сарбон,
Сандиқлар тўла китоб,
Ақл — чироғи — офтоб —
Юлдузлар эргашибди,
Кундузлар эргашибди,
Дарёлар эргашибди,
Дунёлар эргашибди,
Эргашибди гул ҳиди,
Кулгу — яшаш умиди.
Уйин-соз эргашибди,
Баҳор-ёз эргашибди...

Шаҳарни оппа-осон,
Ёв олибди бегумон,
Қадам босгач ёвузлар,
Қуриб қолмиш ҳовузлар.
Кумуш, олтин аралаш,
Узаро бўлиб талаш,
Ёв бўлиб ўзига ёв,
Узин қириб беаёв
Тўкишибди талай қон,
Бўлибди тўс-тўполон.
Улганинг бундан афзал
Дея тўкиб нур-ажал
Қуёш еру самони,
Бойликка ўч ёмонни,
Куйдирибди туну кун,
Дея ниятинг учун.
Қолмасин деб ёвуз, шум
Шаҳарни босибди қум...

Қўймоқчи эдим нуқта,
Уқувчим бир оз тўхта.

Илми қуёшдай баланд
Қайга кетди донишманд?
Ҳамон, ҳамон, аҳил эл
Донишманд бош, боғлаб бел,
Олтин шаҳар қураармиш,
Уйнаб-кулиб юрармиш,
Боғбон бор экан унда,
Посбон йўқ экан унда.
Оҳу бор экан унда.
Еҳу йўқ экан унда.
Меҳр бор экан унда,
Қаҳр йўқ экан унда,
Қулгу бор экан унда,
Қайғу йўқ экан унда.
Илми қуёшдан баланд,
Ҳоким экан донимшанд.

Бобом дерди: — Халқ меҳри — нур,
Қалби дурдан иборат.
Қўли тегса олтин бўлур
Ҳар қандайин иморат.
Кимда бўлса макр-ҳийла,
Кимда бўлса ёвузлик,
Бир кун болам, қуриб қолар
Даштда қолган ҳовуздек...

Момолар уқдиришар,
Боболар уқдиришар,
Омон бўлиб ҳаммавақт,
Болам, яшанг, ҳамжиҳат.
Ақлингиз бўлсин қурол,
Деган шарқли доно чол!
Бобом дерди асрлардан
Халқ яратган ақл қолар.
Шоҳлар кетар қасрлардан,
Нақл қолар, нақл қолар.

1979

ОЛТИН ОШИҚЛАР

Доим эртақ бошланар
Йўқ экан, бор экандан.
Подшога ақли ўткир
Вазир даркор экандан.
Тулки айёр экану
Қуён қўрқоқ экандан.
Тўғрилиқ ва ҳақиқат
Бирга ўртоқ экандан.
Ифвогарда юз қора,
Тили қуюқ экандан.
Дили очиқ ҳамиша
Элга суюқ экандан.
Бу эртақ ҳам қадимда
Бир баҳона, тўқилган.
Асрлардан ўтгану
Давраларда ўқилган.

Қадим-қадим замонда
Бўлган экан қўшниллар.
Қим билади қай қўшни
Қай қўшнига хуш келар...
Фақат айтиб қўяй мен,
Яхши қўшни — бу ҳавае.
Эртақда ҳам қўшниллар
Кўп аҳил бўлган эмас...
Аммо мавзу бошқа гап
Сўзнинг хуллас каломи,
Мана бундай тугаган
Бу эртақнинг давоми.
Шундай қилиб бир замон
Қўшниллар ўтган экан.
Бир қўшнида ўн бола,
Бири хўп битган экан...



Битган кўшни молу мулк,
Зебу зар йиғар экан.
Бойлик деган янгроқ сўз
Кўнглига сиғар экан.
Боладан чўчир экан
Хотини ҳам, ўзи ҳам.
Оилани молу мулк
Қилар деркан мустаҳкам.
Дунёнинг қай бурчида
Сотилса бирор мато,
Эру хотин туш кўриб
Чиқишар экан ҳатто.
Сандиқ тўла олтиннинг
Сон-саноғи йўқ экан.
Қайга борса иззатда,
Шундан кўнгли тўқ экан.

Ён кўшни-чи, ён кўшни
Яшаши ночор экан.
Кунда қўлга қаровчи
Ўнта бола бор экан.
Қора қозон гоҳида
Қайнамасдан қоларкан.
Эри ризқ-рўз излаб
Далага йўл оларкан.
Болалар-чи, болалар
Бири биридан ширин,
Очу тўққа иши йўқ
Қий-чувлашиб бир-бирин
Қувлашмачоқ ўйнаркан
Ялангоёқ, бош очиқ.
Етмас экан овқатда
Гоҳи товоқ, гоҳи қошиқ...
Она-чи, ҳа, онанинг
Қўли доим кир-чирда
Тўю томошаларга

Бораркан бирда-бирда.
Нолиш нима билмаскан,
Дер экан:
— Бағрим бутун.
Унта болам — унта тоғ,
Соғ-омон ўсса бир кун
Қўрмаганим кўраман,
Утиб кетар бу кунлар.
Сабрнинг тағи олтин,
Бир кун бахтим кулар.
Могу мулк — қўлнинг кири,
Зурриёд қолсин одамдан.
Чироғимиз ўчмайди
Утсак-да бу оламдан.
Буни кўриб бой хотин
Дер экан:

— Эҳ... исқиртлар,
Жоннинг ҳузури қайда,
Бола деган бу қуртлар
Еб тўймас-а, еб тўймас,
Ундан кўра даврон сур.
Дунёга бир келасан,
Кўр-да, ҳаловат, ҳузур.
Бой хотинга эр ҳам мос,
Тўтиннинг ўзи экан.
«Бола бу — кони зарар» —
Шундайин сўзи экан.
Эру хотин чамалаб
Ултираркан бойлигин.
Сўзлашаркан тўйларда
Қилган ҳотамтойлигин.

Ён қўшни-чи, ён қўшни
Биласиз, ночор экан.
Қўлларига қаровчи
Унта бола бор экан.

Унта бола чуғурлаб
Қилиб қолса тўполон,
Қуёш чарақлаб кулиб
Келар экан ўша он.
Эртаю кеч ўйиндан
Бўшамас экан улар.
Билмас экан эр-хотин
Қандай ўтганин кунлар.
Кеч кириб,
Қуёш ботиб,
Ёнганида чироқлар,
Жимликка кетганида
Хатто яқин йироқлар,
Одатий, бой хотиннинг
Уйида сукут экан,
Сийму зар ҳисоблашдан
Бошқаси унут экан.
Балдоқ тақса бой хотин,
Эр тутаркан сурмадон.
«Эҳ... одамлар ўтишар
Давру даврон сурмасдан», —
Дер экан иккиси ҳам,
Тушмай кибру ҳаводан.
Бизлар йироқмиз деркан
«Бола деган балодан».
Аммо эшик тирқ этса
Чўчиб-чўчиб тушаркан.
«Ким у, ким», деб юраги
Кўчиб-кўчиб тушаркан.

Ён қўшни-чи, ён қўшни,
Уйида ўзгача ҳол.
Болалар, ҳа, болалар
Уйқуга кетмас дарҳол.
Бири қиқирлаб кулса,
Бири соз чалар экан.

Уйин-кулги чеки йўқ,
Базм шунчалар экан.
Қуёш ботдими, тамом,
Йиғунча тун этагин,
Эшитаркан бой хотин
Ён қўшнининг қарсагин.
Бир кун эмас,
Ой эмас
Йилда шу такрор экан.
Ён қўшнининг уйи-чи,
Мисоли бозор экан.
Нега унинг уйи тинч,
Қўшнининг ҳоли ахир —
Ҳаммага аён, равшан,
Аммо кеч кирди, тамом
Уйида уйин-кулги
Тонггача этар давом.
...Бой хотин узоқ ўйлаб,
Эрига бермабди сир.

Бойлиги бор, кулги йўқ.
Кеч кирди сукут қилар.
Эру хотин тонггача
Бойликка-бойлик тилар.
Қами кўсти сира йўқ,
Аммо дили доим гаш.
Эру хотин ҳеч қачон
Қилмаган жанжал, талаш.
Умр ўтар айш билан,
Обрўда бормисан бор.
Ўтган ота-бобоси
Подшоликка дахлдор.
Ўйлаб-ўйлаб бой хотин
Етолмабди ўйига,
Саллона йўл олибди
Қўшни хотин уйига.

Эшикни секин туртиб
Зўрға оёқ учида,
«Шу ҳам яшаш бўлди-ю», —
Деб шивирлаб ичида,
Чақирибди:
— Ҳой, қўшни,
Буёққа келинг қани.
Қўшни бўлсангиз ҳамки
Ўзим келдим кўргани.
Қўшни хотин шошилиб
Қўл юқи хамир билан
Дебди:
— Келинг, айланай,
Банд эдим тандир билан.
Супрани қоқиб-юлқиб
Қилгандим уч зувала.
Бой хотин секин дебди:
«Сенга яшаш увола».
Қўшни хотин бепарво
Уйига таклиф қилибди.
Бой хотин бўлса уйга
Қирмоқни ор билибди.
Тақинчоқларин ўйнаб
Бир ҳаво, кибор билан
Қизиқ, дебди аёлнинг
Иши йўқ йўғ-бор билан.
Сўнг мақсадга кўчибди:
— Бизга аниқ ҳолингиз.
Дала-даштда кўринмас
Бирорта мол-ҳолингиз.
Аммо кун ботди тамом
Қулиб, қаҳ-қаҳ урасиз.
Қий-чувлашиб тонг билан
Яна бирга турасиз.
Бунинг сири нимада?
Қорни оч кулмас асло.

Бизда яхши биласиз
Нима десак муҳайё.
Аммо қуёш ботдими,
Мудраб-мудраб қоламиз.
Зерикиб қолмайлик деб
Тўйларга йўл оламиз.
Кеч кирса ваҳм босар,
Учади ранг-қутимиз.
Қўпларга ахир ҳасад —
Бизларнинг бор-бутимиз.
Қўшни хотин тикилиб
Бой хотиннинг кўзига.
— Тўғри, — дебди кулибди,
Сўз улабди сўзига:
— Айланайин, топдингиз,
Ҳеч вақомиз йўқ асли.
Биз орзиқиб кутамиз
Баҳор фаслин, ёз фаслин.
Кўкламда кўк кўп бўлар,
Мева-чева-чи, ёзда.
Эсон-омон чиқсак бас
Қаҳратон қиш аёздан.
Шу ўй билан яшаймиз,
Эру хотин ўн бола
Шукур, тинчмиз, омонмиз,
Бегона ташвиш, нола.
Аммо кечалари-чи,
Буни сизга айтаман,
Ҳеч кимга айтмасангиз,
Такрорлайман, қайтаман.
Қуёш ботгач, тўпланиб
Олтин ошиқ ўйнаймиз.
Ютқизгани шарти шу
Ўйнатмасдан қўймаймиз.
Гоҳида мен ютаман,
Гоҳи ютар адаси.

Шунда қарсақ чалади
Болаларнинг ҳаммаси.
Бор гап шу-да, қўшнижон.
— Бўпти, — дебди бой хотин. —
Олтин ошиқ топмасам,
Бошқа қиламан отим.
Қўшни хотин кулибди,
Борибди тандирига.
Бой хотин уйга кириб,
Ушқирибди эрига:
— Қерак эмас сийму зар,
Олтин ошиқ топасиз,
Қўлни оёққа олиб
Турт томонга чопасиз.
Моғор босдим бу уйда,
Жонимдан кетдим тўйиб.
Етар, шунча яшадик
Бирга қовоқни уюб.
— Ҳозир, — дебди эри ҳам, —
Мен қиламан муҳайё.
Олтин ошиқ сизнингча
Турармиди бир дунё.
Эр отни минибди-ю,
Бозор сари чолибди.
Излай-излай бир даста
Олтин ошиқ толибди,
Бой хотиннинг кайфи чоғ,
Кеч киришин кутибди.
Хаёлида неча бор
Ошиқ ўйнаб ютибди...
Кеч кирибди, эр-хотин
Олтин ошиқ ўйнабди.
Бир-бирини талашиб
Ютмагунча қўймабди.
Ютганида бой хотин:
— Уйнанг, — дебди эрига.

Эри дебди:
— Раҳм қил,
Мендайин бир қарига.
Айтганинг қилдим бажо
Сўзинг сени сўз бўлди.
Ун дегандинг, ўн эмас,
Айтганларинг юз бўлди.
Ўзинг ўйна, майли мен
Қарсак чалиб тураман.
Хотин дебди: — Оёғим
Зўрға босиб юраман.
Мен кимман, кимнинг қизи,
Мен сени қилдим одам.
Тўйимизга ҳам зўрға
Рози бўлганди отам.
Қандай паризод эдим,
Қандай ҳусним бор эди.
Қанча-қанча шаҳзода
Кўришга бир зор эди.
Тегиб сенга хор бўлдим,
Эҳ... ношукур, таги паст.
Жонимдан тўйиб кетдим,
Яшамайман энди бас.
Бир ками ўйин тушиб
Кулдиришим қолдим.
Эри дебди: — Не десанг
Хўп, хўп дея толдим-ку.
Бошланибди сану ман,
Бошланибди тўполон.
Эр-хотин жанжаллашиб
Бўлибди икки томон.
Бириси ола деса,
Бириси қора дебди.
Бириси қолгин деса,
Бириси «бор-а», дебди.
Сен кимсану мен кимман —

Бўлибди бош масала.
Яшашга ҳам қолмабди
Сира-сира ҳафсала.
То тонггача эр-хотин
Бўлишибди жиққа мушт.
Ҳеч ким уларга демас
Бўлди, бас, ҳовурдан туш.
Бой хотин жаҳл билан
Тонгда эшик очибди.
Қўшни хотин уйига
Бориб заҳрин сочибди:
— Исқирт, ақлинг йўқлигин
Билардим аллақачон.
Мени йўлдан оздирди
Билмадим қайси шайтон.
Худойим сени ночор
Қилмаган экан тоза.
Олтин ошиқ кулгимас,
Келтирар экан аза.
Сиринг мендан яшириб,
Қилдинг-а, элга кулгу.
Йлойим бу бошингдан
Кетмасин алам, қайғу.
Қўшни хотин кулибди:
— Йўлиқмасин балолар.
Олтин ошиқ деганим
Билсангиз шу болалар.
Шулар билан кўнглим тинч,
Уйимиз доим бозор.
Уйнаймиз, боримиз бор,
Асло кўрмаймиз озор.
Кунимиз шундай ўтар,
Тунимиз шундай ўтар.
Қўшнижон, бир кун келиб
Бизларга ҳам жир битар.
Аммо бизда битгани

Сизда битмай қолибди.
Утган умрингиз бошга
Шу савдони солибди.
Бало эмас — бол булар,
Шу га етмабди фаҳм.
Қариганда болалар
Сизга қилсин-да раҳм...

Шу пайт ўнта боланинг
Кулгуси жаранглабди.
Афсус, афсус, бой хотин
Бу завқни кеч англабди.
Чўлда қолган саксовул
Мисол у қалтирабди.
Тақинчоқлари ерга
Тўкилиб шалдирабди.
Ҳолсиз уйга қайтибди
Ва йиғлабди увуллаб.
Уни сиқиб келибди
Каттакон уй ҳувиллаб.
Зебу зар — зебу зийнат
Рангини йўқотибди.
Шу кундан эру хотин
Қайғу ғамга ботибди.
Қўшни-чи, қўшни хотин
Устирибди ўнта тоғ.
Ўнта тоғ униб, ўсиб,
Дунёни қилибди боғ.
Уйин, кулги, бешқарсак
Тинмай этибди давом.
Қулоқ бериб тургандим
Эртақ тугабди,
Тамом.

1978

МУНДАРИЖА

Тинчликни улуғлаймиз

| | |
|--------------------------------|----|
| Биз болалар | 4 |
| Амаким | 7 |
| Тинчликни улуғлаймиз | 8 |
| Роза-ал-Надия | 11 |
| Бармоқлар | 14 |
| Укам туғилган кун | 16 |
| Ун уч ёшлилар | 17 |
| Бобом айтган қўшиқ | 20 |
| Қўрқоқлик | 21 |
| Пойга | 23 |
| Она (баллада) | 27 |

Нур боламиз — қувонамиз

| | |
|---------------------------------|----|
| Қўшилар | 40 |
| «Чечанлар» | 41 |
| Яхшилик | 43 |
| Ўйлаяпти | 44 |
| Қизалоқлар | 45 |
| Ўзим билардим | 47 |
| Айиқполвон | 47 |
| Дадамнинг боласи | 48 |
| Нуқталар | 49 |
| «Чиниқиш» | 50 |
| Овчи | 51 |
| Ака-укалар | 52 |
| Чумолининг излари | 53 |
| Қизлар кўпми, болалар | 54 |
| Баҳона | 54 |
| Шўрданак | 54 |

Эртаклар

| | |
|--------------------------|----|
| Ҳазина | 56 |
| Меҳмон | 65 |
| Қадимги афсона | 74 |
| Олтин ошиқлар | 83 |

Барноев, С.

Б 30

«Тинчликни улуглаймиз»: Шеърлар, баллада ва эртаклар. (Ўрта ва катта мактаб ёшидаги болалар учун.) — Т.: Ёш гвардия, 1986.—96 б., расм.

Сафар Барноев болалар шеърлятида ўз сози ва овозига эга шоир. Бунга унинг «Тинчликни улуглаймиз» деган мазкур тўплами яққол мисол бўла олади. Тўплам уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлимдан тинчликни мадҳ этиб, урушни қораловчи публицистик руҳдаги шеърлар ва баллада; иккинчи бўлимдан болалар ички дунёси бадий ақс эттирилган қувноқ шеърлар; учинчи бўлимдан эса эртаклар жой олган. Шовринг бу янги тўплами ёш китобхонларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Барноев, С. Стихи, баллада и сказки.

Ўз 2

Для детей среднего и старшего школьного возраста

На узбекском языке

Сафар Барнаев

ВОСПЕВАЕМ МИР

Стихи, баллада и сказки

Издательство «Еш гвардия», Ташкент — 1986

Тақризчи **Фулом Гафуров**

Редактор **Султон Жаббор**

Рассом **Ли Тамара**

Расмлар редактори **Х. Раҳматуллаев**

Техн. редактор **В. Демченко**

Корректор **М. Ортиқова**

ИБ № 1974

Теришга берилди 29.10.85. Босишга рухсат этилди 20.01.86. P04215. Формати 70×108¹/₃₂. № 1 Офсет қоғозга «Литературная» гарнитурала юқори босма усулида босилди. Босма листи 3,0. Шартли босма листи 4,20. Нашр. листи 4,17. Шартли кр. отт. 4,75. Буюртма № 12. Тиражи 15000. Баҳоси 25 т. Шартнома № 64—85.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Еш гвардия», 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон ССР Нашриёт полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-босмахонаси, 702800. Янгийул шаҳри, Самарқанд кўчаси, 44.